



Тошбега

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларига МУРОЖААТНОМА

Ҳурматли ватандошлар!

Азиз оталар ва оналар, ака-укалар ва опа-сингиллар!

Биз, икки жумҳурият раҳбарлари 1990 йил июнидаги фожиали воқеалар бир йиллигида беғуноҳ ҳалок бўлганларни хотирлаб, сизлар билан биргаликда қайғурмоқдамиз, уларнинг хотираси олдида бош эгамиз ва барча жабр-дийдаларга, зўравонликка дуч келганларга самимий ва чуқур ҳамдардлик билдираемиз.

Биз шуни қатъий айтаемизки, юз берган воқеада қирғиз халқи ҳам, ўзбек халқи ҳам айбдор эмас. Биз барча аҳолига, айниқса, икки жумҳурият ёшларига мурожаат қилиб, уларни сабр-бардошли бўлишга, бир дақиқали кайфият ва ҳис-ҳаяжонларга берилмасликка чақираемиз.

Фожиали воқеаларнинг ўз сабаблари бор, уларнинг илдизлари қоқоқ иқтисодийлик, аҳоли турмуш даражасининг пастлигига, маънавий қадриятларнинг, ижтимоий ахлоқ ва одобнинг бузилганига бориб тақалади. Бундай вазиятда кўп одамлар, айниқса, ёшлар ночор ва нонлоқ аҳволга тушиб қолди, эртанги кунга ишончини йўқота бошлади. Қора кучлар қора ишини қилди. Оналар ва рафиқаларнинг аччиқ кўз ёшларини, эркакларнинг қаҳрли юзларини ҳали ҳам кўриб турибмиз, ўша даҳшатлар ҳали ҳам болаларнинг кўз ўнгидан кетмаган. Қалблардаги аччиқ аламлар ҳали ўтиб кетгани йўқ, жудоликка ҳали ҳамма ҳам кўникаш эмас. Шунга қарамай халқларимизга хос бўлган сабр-бардош ва донолик кўрсатиб, бардам бўлишимиз керак, алам ва ғазаб билан тинчлик ва осойишталикни тиклаб бўлмайди. Фақат ярашиш, тотувлик ва ҳамжиҳатликгина хотиржам ишлаш ва яшаш, келажакка ишонч билан қараш имконини беришини ёдда тутиш керак. Бундан бошқа йўл йўқ.

Қирғизистон жумҳуриясида бузилган иморатларни тиклаш, аҳолига етказилган зарарни тўлаш, фожиали воқеаларнинг айбдорларини жавобгарликка тортиш, вазиятни изга солиш юзасидан зарур чоралар кўриломоқда. Бунда Ўзбекистон меҳнаткашлари катта ёрдам бермоқдалар. Лекин бу борада яна кўп иш қилишга тўғри келади.

Экстремизм ва миллатчилик кўринишларига қарши мurosасиз курашиб келганлигимизни ва бундан буён ҳам кураш олиб боришимизни, одамларнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашни ўзимизнинг бош вазифамиз деб ҳисоблашимизни биз яна бир бор қатъият билан тасдиқлаймиз.

Ўзбеклар ва қирғизлар қардош халқлардир, уларнинг дини ҳам бир, минг йиллик тарихи ҳам муштарак, тиллари ва анъаналари ҳам ўхшаш. Шу қардош халқларнинг ўзаро муносабатларида ҳамма нарса чамбарчас боғлиқдир, уларни бир-биридан ажратиш ташлашга уриниш — қон-қардошларни бир-биридан ажратишга уринишдир.

Ҳозирги пайтда халқларимиз ўртасида тинчлик, дўстлик, ўзаро мадад ҳар қачонгидан ҳам зарур. Бизни кутаётган оғир синовларга фақат биргаликда куч-ғайрат сарфлаш билангина бардош бера оламиз. Бунинг учун мустаҳкам замин яратилган.


1991 йил март ойида Ўш шаҳрида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияси билан Қирғизистон Жумҳурияси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартнома икки халқ, икки мустақил жумҳуриятнинг ўзаро муносабатларини янги bosқичга кўтарди ва катта истиқболлар очиб беради. Шартнома одамларимизнинг муносиб турмушини таъминлаш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириши, кучимизга куч қўшиши лозим. Келинлар, ана шу олижаноб мақсад йўлида, шу шартнома руҳида биргаликда яшайлик ва меҳнат қилайлик.

Ўзбекистон Совет Социалистик
Жумҳуриясининг Президенти

И. А. КАРИМОВ.

Қирғизистон Жумҳуриясининг
Президенти


А. АКАЕВ.



Қорақалпоғистон шўро жумҳуриясининг Манғит шаҳридаги профессионал ёнгиндан сақлаш отряди жамоасида ўз касбига садоқатли ходимлар оз эмас.

СУРАТЛАРДА: Амударё тумани ИИБ давлат ёнгин назорати бошлиғи ички хизмат капитани Оллоберган Абдуллаев ва шу назорат ходими ички хизмат лейтенанти Умирбой Давлатёзовлар отряд ходимларининг жанговар тайёргарлигини кўздан кечиришмоқда; қоровул бошлиғи Бахтиёр Отажонов; машқ пайти.

Саъдулла БОБОЕВ
олган суратлар.



РЕМОНТДАГИ МАШИНА УШЛАНДИ

Айтайлик кўзингизнинг оқу қораси ҳисобланмиш машина таъмирбop бўлиб қолди. Вақт ўтказмай усталар қўлига топширасизу сабрсизлик билан унинг тузатилишини кутасиз. Ҳаёлингизга ҳеч қандай бўлмагур фикрлар урилмайди. Машина ишончли жойда, динатли кишилар қаровида. Ҳар доим ҳам шундаймикан!?

Тунги навбатчиликни Циолковский ва Зулайҳо кўчалари кесишган чорраҳада ўтаётган Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходимлари соат иккиларга яқин катта тезликда ҳаракат-

ланаётган «ВАЗ-2106» белгилли Т 0706 ТН рақамли автомашинани сезишди. Инспекторнинг тўхташ ҳақидаги талабини заррача писанд қилмаган ҳайдовчи машинани тўппа-тўғри милиционерлар устига қараб ҳайдади. Фожиарўй беришига бир баҳя қолди.

Худди шу пайт Куйбишев тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими навбатчиси милиция катта лейтенанти Р. Сибгатулин бошлиқ қўлга олиш гуруҳи йўл-йўлакай ўтиб бораётиб, юз берган ҳодисадан воқиф бўлди. Гу-

руҳ аъзолари тобора узоқлашиб кетаётган тартиббузарни таъқиб этишга киришдилар. Аввалига ҳавога уч марта огоҳлантирувчи ўқ узилди. Қочоқ ҳайдовчи пинагини бузиб ҳам қўймади. Шундан сўнг Р. Сибгатулин машина гилдирагини мўлжалга олди. Фавқулodда чора ёрдамида тўхтатилган машина рулида Қорасув даҳасидаги 92-автобекат ходими Е. Ляшин бўлиб, унда на ҳайдовчилик гувоҳномаси, на автомобиль ҳужжатлари бор эди.

Зудлик билан машина эгаси аниқланди. У 54 ёшли аёлга қарашли бўлиб чиқди. Аёлнинг айтишича, машина 2 ойдан бери Марказий «АвтоВАЗ»да ремонтда экан.

Ғ. ЖУРАЕВ.

РУЛДАГИ ШИША БАНДИЛАРИ

Одамзотнинг табиати қизиқ-да. Нимаки таъқиқланган бўлса, айнан ўшани қилгиси келади. Еки бирор ноёб нарса маъқул тушиб қолса борми, топмагунча қўймайди. Тўғри ҳозир анқонинг уруғига айланмаган савилнинг ўзи йўқ. Шу жумладан, спиртли ичимлик ҳам. Лекин «оби замзам»нинг орқасидан қувган киши ҳеч қачон барака топган эмас. Обрў ҳам орттирмаган. Шундай бўлсада, шиша ичидаги шайтонга учганлар оз эмас. Агар киши бўш вақтида, уйда ёки дўстлари билан бирор жойда меъёрида ичса, бунинг йўли бошқа. Бордию дилтортар даврадаги ўша хурсандчиликдан сўнг киши мас-аласт ҳолда машина бошқарса-чи? Ҳа, бу фожeanинг бошланиши демекдир.

Аваллиг вақтларда спиртли ичимликлар ҳар қадамда сотилар эди. Нархи ҳам унча қиммат эмасди. Ҳозир эса талон билан берилади. Масаланинг ажабланишли жойи шундаки, бугунга келиб ичкилик-боз ҳайдовчилар сони ўша даврга қараганда анча ортиб кетди. Фикриямизнинг исботи учун шуни айтиш жоизки, ўтган йилнинг май ойига қадар Тошкент шаҳри бўйича маст ҳолатда автомашина рулини тутган 1713 нафар ҳайдовчи ДАН ходимлари томондан тўхтатилган. Бу йилги кўрсаткич эса ундан 100 тага кўп. Бу шунча рўй бериши мумкин бўлган фожeanнинг олди олинди, деган гап. Лекин ҳар доим ҳам ичкилик бандиларига айланган ҳайдовчилар назарга тушавермайдилар.

Фақатгина Тошкент шаҳри бўйича йил бошидан буён транспортнинг рули қиттак отиб олган ҳайдовчиларга тушиб қолгани оқибатида 49 марта кўнгилсиз воқеа содир этилган. Унда 86 киши жароҳатланиб, етти киши ҳалок бўлган.

Қонунни мөнсимайдиган шундай ҳайдовчилардан бири Ф. Исмоиловдир. У маст ҳолатда бошқариб бораётган «ВАЗ-2107» белгили Д 1561 рақамли автомашина зарб билан дарахтга урилди. Натижада унинг ёнида ўтирган 20 ёшли қиз ҳаётдан кўз юмди. Марҳума шахсини ҳозиргача аниқлашнинг иложи бўлмапти.

12 май куни эса 1930 йилда туғилган, 9-таъмирлаш заводининг (РМЗ-9) ҳайдовчиси Р. Давлатов томоғини ароқ билан ҳўллағач, ўзига бириктирилган «ЗИЛ-130» белгили 38-29 ТНЗ рақамли юк машинасига ўтирди. Йўлда эса икки норасида гўдакни уриб юборди. Жабрланувчилар оғир аҳволда касалхонага келтирилди. Ҳа, эрта-индин нафақага чиқиш тараддудида юрган бу кекса киши ўз тақдирини ҳамда икки бегуноҳ гўдак соғлигини бир шиша ароққа алмаштирди.

Бундай кўнгилсиз воқеаларни келтириш билан биз рўзномасеварларни ҳаяжонлантирмоқчи эмасмиз. Аксинча, шў дамда бир қўлида автомашина калитини, иккинчисида эса қадахни ушлаб турганларни охир-оқибатдан воқиф этмоқчимиз, холос. Чунки кейинги аттанган фойда йўқ-да. Ахир, ким ўз қисматини олдиндан билибди, дейсиз!

Аҳрор АҚБАРОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ давлат автомобиль назорати бошқармаси ходими милиция катта лейтенанти.



«Постда» рўзномасининг собиқ муҳбири, ҳозирда эса ҲССЖ ИИБ кадрлар бошқармаси бўлим бошлиғи ички хизмат полковниги Тоҳир Сайфутдинов таҳририятимиз меҳмони.

— Тоҳир ака, Сизни энг аввало журналист, энди эса ИИБ масъул ходимларидан бири сифатида биламиз. Кўпчилик ўқувчиларимизни «Постда» рўзномасининг ўтмиши ва кейинчалик нима сабабдан ёпилгани қизиқтиради.

— Аввало шуни айтишим керакки, бу рўзнома 1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган. Мен эса таҳририятдаги иш фаолиятимни 1965 йил март ойидан бошлаганман. Ўша пайтда ҳам рўзномамиз рус ва ўзбек тилларида чиқар, мақолаларни ҳам деярли таржима қилиб берардик.

— Кечирасиз, ижодий ходимлар неча кишидан иборат эди? Ҳозир биз атиги етти кишимиз. Агар тақдосласан...

— Саволингизга тушундим. Ўзбек таҳририятида тўртта ижодий ходим ишлардик. Ҳамидулла Абдуллаев,

Тешабой Толипов, Усарқул Эшонқулов ва мен. Битта машинисткамиз бор эди — Революция Ҳасанова (ҳозирги кунда «Қўриқлаш» бирлашмаси ходими милиция капитани). Аёл киши бўлишига қарамай ҳар қандай топшириқни ўз вақтида мукамал бажара оларди. Бизда таржима кўпроқ роль ўйнардди, сизларда эса бошқачароқ, ҳаммаси ўзларингизники. Шунинг учун ўйлайманки, сизлар учун ҳафтада уч марта рўзнома чиқариш анча-мунча қийинчиликлар эвазига бўлаётгандир.

— Сиз ишлаган пайтлар турғунлик даврига тўғри келади. Фараз қилишимча, ўзини танқид деган нарсаларга...

— Йўқ, янглишдингиз. Ўша пайтларда ҳам аёвсиз танқидий материаллар берардик. Битта мақола сира ёдимдан ўчмайди. Тошкент-

ЮРАК ЁНГАНИ МАЪҚУЛ

нинг Ленин ва Киров туманлари ўртасидаги кўчада бир жасад топилган. Очилиши мушкул бўлган бу жиноий ишни ҳар икки туман ИИБлари ҳам ўз зиммасига олишни хоҳламаган. Лекин шаҳарда ички ишлар бошқармаси ягона-ку.

Ана шу муаммони жуда қаттиқ танқид қилганмиз. Биз ўйлаган натижани берган бу чиқишимиз.

Сабоби шундаки, вазирлик раҳбарлари рўзномани ҳурмат қилишда ўрнатилган кўрсатишарди.

— Унда нима учун таҳририятда ишлабвермасдан ИИБ бошқа тармоқларига ўтгансиз?

— Хизматчилик. 1968 йилда армиядан қайтганидан сўнг офицерликка ўтказилди, кадрлар бошқармасига инспектор қилиб олинди.

— Рўзноманинг ёпилишига нима сабаб бўлган деб ўйлайсиз?

— Аниқ бир нарса дея олмайман. Чунки у пайтда бошқа соҳада хизмат қилардим. Лекин эшитишимга қараганда қоғоз танқислиги баҳона бўлган экан...

— Орадан узоқ йиллар ўтгандан кейин «Постда»нинг қайта туғилишини қандай баҳолайсиз?

— Журналист бўлганим учунми, ҳар бир сўзни қадрқимматига қараб ишлатишни хуш кўраман. Шунинг учун рўзномамизнинг қайта тикланганлигини хайрли иш деб

баҳолашга журъат этдим. Нима учун? Сир эмас, турғунлик йиллари маҳсули сифатида халқ ва милиция ўртасида жарлик пайдо бўлди. Бугунги «Постда» ана шу жарлик устидаги кўприк вазифини ўтаса ажаб эмас.

— Унинг ўтган тўрт ойлик фаолияти ҳақидаги фикрингизни ҳам билмоқчийдим.

— Иш бор жойда камчиликлари бўлиши табиий. Лекин мен сезган камчиликларингиз жузъий. Шу боис улар ҳақида айнан бугун эмас, кейинроқ фикрлашсак ҳам бўлаверади. Бунга улгурамиз.

— Ҳар ҳолда ижодий жамоамизга истакларингиз бўлса керак?

— Бўлмасам-чи. Сизлар, яъни рўзнома том маънода шу пайтгача ҳимоясиз бўлиб келган милициянинг суянчиги, ҳимоячиси бўлиши керак. Бу билан тинчлик побонларини кўкка кўтариб мақташ керак, демоқчи эмасман. Аксинча, эғнидаги формасига номуносиб шахсларни фош этиш керак. Бу милицияни ёмонотлик қилади деган гап эмас, балки халқда унга нисбатан ҳурмат ва ишонч уйғотади. Айни пайтда номимизга доғ тушираётган ходимлардан тозаланишимизга кўмак беради.

Бунинг учун юрак ёниб туриши, ҳар жабҳада адолат деган тушунча ақл ва виждон учун йўналтирувчи куч бўлиши керак.

Сухбатдош Раҳмон АЛИ.

ТАКЛИФ ИНОБАТГА ОЛИНАДИ



Учқўрғон тумани ИИБда яхши тажриба бор. Муҳим тадбирларни ўтказишга киришишдан олдин унинг муваффақиятини таъминлаш учун кўпчилик фикри олинади. Ҳар кимдан ҳар хил мулоҳаза, тахмин ўртага ташланади. Уларнинг энг маъқули ҳаракат дастурига айланади.

— Бунда ходимнинг таж-

рибаси, ёши, мансаби эмас, у киритган таклифнинг маъзи эътиборга олинади, — дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция капитани Икромжон Абдурасулов.

СУРАТДА: (чапдан) Икромжон Абдурасулов, ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори Достонбек Орифжонов, участка вакили милиция лейтенанти Рустам

Абдуллаев, жиноят қидирув катта опервакили милиция катта лейтенанти Ҳусанали Эралиев, жиноят қидирув кичик опервакили Манзура Парпиева ва БХСС бўлимаси бошлиғи милиция подполковниги Жўрамирза Боймирзаевлар тадбир режасини ишлаб чиқишмоқда.

Боқижон ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.

ЯХШИ ОТГА БИР ҚАМЧИ

Чуст тумани Гова қишлоқ Кенгаши ҳудудда яшовчи, 1968 йилда туғилган Бахтиёр Мамажонов ўғирлик қилгани учун ўтган йили қора курсига ўтирган эди. Ушанда онаси кексалиги ва ўзи яқиндагина онла қурганлиги ҳисобга олиниб, у икки йилга шартли равишда озодликдан маҳрум қилинган эди. Кейин Бахтиёр қурилиш ташкилотларидан бирига ишга юборилди. Лекин у тавбасига таянмаган экан. Қалол меҳнат билан гуноҳини ювиш ўрнига ишдан бўйин товлади, эскича яшашни қўмсади. Шу йилнинг февраль ойи-

да бир тўйда ҳамқишлоғини дўшослагани учун суд томонидан қаттиқ огоҳлантирилди. Бу ҳам қор қилмади. Хайфсанин хуш келибсан ўрнида кўрадиган бу танбал яна тинч юрмади, халқ суди ҳукмини менсимайди. Сўнгги пайтларда эса ичкиликка берилди. Шу йилнинг 7 май куни эса маст ҳолда милиция ходимларини ҳақорат қилди...

Афсус, уни тўғри йўлга солиб бўлмади. Унга бириктирилган ички ишлар ходимларининг қанчадан-қанча вақтлари зое кетди. Бахтиёр шу даражада тубанлашиб

кетган эдики, ҳатто суд мажлисида ишламай юриб қандай кун кечирганлиги ҳақида сўрашганда, «онам нафақа олади» деб жавоб берди.

Суд ҳайъати Б. Мамажонновга нисбатан 1990 йил 15 декабрда чиқарилган ҳукмини бекор қилди ва Бахтиёр суд залига ҳисобга олинди. Энди у икки йил темир панжаралар ортида ўтиради.

Н. МАҲҚАМОВ,

Наманган вилояти Чуст шаҳар ва тумани ИИБнинг ахлоқ тузатиш ишлари бўйича катта инспектори милиция капитани.

ОҒЗИ КУЙМАВДИ

Сутдан оғзи кўйган қаттиқ кам пуфлаб ичадди, деган мақолага кейинги даврда баъзилар эътибор ҳам қилмай қўйишган. Ана шундайлардан бири Юрий Зайцевдир. Юрий 1989 йил қилмишига яраша Жиззах шаҳар халқ суди томонидан жазоланганди. Лекин у бундан тўғри хулоса чиқариб олмади.

Шаҳар ҳарбий комиссариатидан қақирув қоғозини олган Юрий армияга кетиш олдидадан бир бор маншат қилиб олмоқчи бўлди. Бир ўзи эплай олмаглигини сезиб, Наилни ёрдамга қақирди. У ҳам дарров кўна қолди. Икки «оғайни» ботирлик учун юз граммдан отиб олишгач, МПМК-1 га қараб йўл олдилар. Олдиларини тўсган қоровул З. Қўчқоровни иккаласи ерга ётқизиб тепа бошладилар ва тан жароҳати етказдилар. Шундан сўнг улар қоровулнинг уч шиша «Рус ароғи», уч пачка «Далат» сигаретини ҳамда 80 сўм пулини олиб гойиб бўлдилар.

Бир неча кундан сўнг Ю. Зайцев ҳарбий хизматни ўташ учун жўнаб кетди ва Тошкент вилоятда ўз бурчини ўтай бошлади. Лекин унга бу ердаги тартиб-интизом ёқмади, шекилли, бир ой ҳам ўтмасдан қочиб қолди. Тўғри келган жойда яшаб юрарверди.

Шу йилнинг биринчи март кунин Ю. Зайцев Самарқанд шаҳар ИИБ милиционерлари томонидан қўлга олинди. Шу кунларда сурштирув ишлари кетмоқда. Эрта-индин қилмишига яраша жазо олиши тайин.

С. МЕЛИБОВ,
Жиззах шаҳар ИИБнинг тергов бўлинимаси терговчиси милиция катта лейтенанти.

Кооперативлар устави таъдиди шуни кўрсатдики, уларнинг кўпчилигида транспорт воситалари эҳтиёжлар ва бажариладиган ишлар ҳажми билан ҳисоблашмасдан сотиб олинган. Аксарият автомашиналардан эса қисқа муддат фойдаланилган ва сўнгра кооператив аъзоларига ёки аҳолига сотиб юборилган.

Гулистон шаҳар ижроия қўмитасининг 1989 йил 22 сентябрдаги қарорига мувофиқ «Гамма» кооперативи тузилган (раиси Ю. Ан). У юк ташиш бўйича хизмат кўрсатишга, саноат ва уй-жой объекти қуриш ҳамда сошлашга мўлжалланган. Кооператив ижроқўм қарори чиқмасдан ўз фаолиятини бошлаб юборгани янада қизиқ. 1989 йил 12 сентябрда кооператив Гулистон тажриба сошлаш-механика заводидан 2612 сўмга «МАЗ-504» машинасини сотиб олишга улгуради. Шу йил 23 сентябрда вилоят соғлиқни сақлаш бўлимидан олинган «УАЗ-452» машинаси рўйхатдан ўтказилди. Ноябрь ойида бир йўла яна 9 та транспорт воситаси, асосан Киров номи канал бошқармаси механизациялашган кўчма колонна ва автобазасидан сотиб олинди. Умумий 11 машинадан атиги 2 таси иш ҳолатида, қолган 9 таси ДАН ҳисобида турмайди, носоз, қисмлари талон-тарож бўлган.

«Гамма» кооперативида 11 киши ишлайди, шундан фақат 3 кишигина кооператив аъзоси. Демак, ҳар бир кооператив аъзосига деярли 4 тадан автомашина тўғри келади. Текширув гуруҳи шундай хулосага келдики, мазкур кооперативни тугатиш керак, у шаҳар аҳолиси учун ҳеч қандай иш олиб бормайди.

«Восход» кооперативи (раиси Чесноков) Гулистон шаҳар ижроқўмининг 1989 йил 23 ноябрдаги қарори билан ташкил этилган. Мақсад ҳам яхши — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш, юк ташиш бўйича хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, уй-жой объекти қуриш ва сошлаш. Агар кооператив ўз вазифини ҳалоллик билан бажариб, аҳолининг мушкулларини осон қилганида эди, эътирозга ўрин қолмасди. Кооператив 1989-1990 йиллар давомида 11 та автомобиль олган, ўтган йилнинг 10 августига уларнинг ҳаммасини сотиб юборган.

Айтиш керакки, машиналар ҳам бегона бўлмаган, албатта. Комсомол тумани сошлаш-ишлаб чиқариш корхонасидан олинган «УАЗ-452» автомашинаси кооператив раиси Чесноковга, вилоят санитария ва эпидемиология станциясидан олинган «УАЗ-469» автомашинаси унинг ўринбосари А. Қайумовга сотилган. Кооператив аъзолари С. Попенко, Азимов, З. Зафаров, И. Бариев «УАЗ-452», «РАФ-2201», «МАЗ-500», «ГАЗ-66» автомашиналари эгаси бўлишган. Қарангки, кооператив автомашиналарни ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш учун эмас, балки кооператив аъзоларига ёки аҳолига шахсларга сотиш ниятида олган. Чесноковнинг кооперативга қарашли машинага эгаллик қилишига тўрт кунгина кифой қилган. Бултур 13 апрель куни олинган «ЗИЛ-431510» автомашинаси эртаси куниниқ Тошкент шаҳрида яшовчи А. Каримовга 9 минг сўмга пулланган. Шундай қилиб, 11 машинадан 8 таси сотилган. Ўтган йилнинг 9 ойида кооператив атиги 23,4 минг сўмлик иш бажарган, холос. Аҳолига бир сўмлик ҳам хизмат кўрсатилмаган.

Оқолтин туманида ҳам жиддий камчиликлар ва нуқсонлар борлиги аниқланди. Туман ижроия қўмитасининг 1988 йил 9 август-

даги қарори билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва реализация қилиш ишларини бажариш мақсадида «Фарғона» давлат хўжалиги қошида «Фарғона-1» кооперативи рўйхатга олинган. Дастлаб Ф. Юсупов кооператив раиси эди, сўнгра Т. Иноғомов сайланади, иккаласи ҳам Тошкент шаҳридан. Шунингдек, кооперативнинг барча аъзолари Тошкент шаҳрида яшовчилар бўлган.

1988 йил июнь ойида «Фарғона» давлат хўжалиги Тошкент шаҳридаги «Ўзметавасабзавоттранс» ишлаб чиқариш бирлашмасидан ҳар бири 10 минг сўмдан бўлган 3 та «Шкода-706» белгилли автомашина ва «Алка-

ва «УАЗ-152» автомашинаси олинди. Усталикни қарангки, олинган енгил автомашиналар аслида кооперативга эмас, балки бевосита кооператив аъзолари номига расмийлаштирилган. Бу қонуннинг қўпол равишда бузилишидир. Шу тариқа кооператив аъзоси механик Р. Муратов номида 3 та автомашина бўлган. Кооператив ҳисобида эса атиги битта — «Ераз-762-В» автома-

шинаси олинди. Аҳолига манший хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Уют» кооперативи (раиси Ш. Абзалов)нинг устамонлиги бундан ҳам ошиб тушди. Кооператив «Ўзқишлоқсаноат

«Пластик» кооперативи аслида машиналарни Гулистон автобус-таксомотор паркидан 1990 йил 22 майда сотиб олган. Ажабланишлики шундаки, АТПнинг ўзида етишмай турган бир пайтда кооперативга 4500 сўмлик эҳтиёт қисмлар ҳам реализация қилинган. Демак, автомашиналарни кооперативга сотиш олдинроқ ҳал бўлган. Ижарачилар ва меҳнат жамоаси кенгаши қарори ҳамда шартнома олдиндан пул ўтказилмай, автомашиналар берилгандан кейин расмийлаштирилган.

Гулистон автобус ва таксомотор парк, шунингдек, ижарачилар кенгашининг 1989 йил 4 декабрь қарорига ва 1989 йил 19 декабрда-

лардан ўз вақтида ўтказилмаган маблағ жами 96,1 минг сўмни ташкил этган, шу жумладан Сирдарё тумани бўйича — 10, 2, Комсомол тумани бўйича — 32, 7, Гулистон шаҳри бўйича — 53,2 минг сўм.

Вилоятнинг бошқа корхоналари, ташкилотлари ва кооперативлари фаолиятида ҳам шу каби жиддий камчиликлар, нуқсонлар борлиги аниқланди. Текширув гуруҳи автомашиналарни олиб сотишдаги тартиб ва қонунбузарликка оид тўпланган материалларни вилоят ижроия қўмитасига тақдим этди. Вилоят ижроия қўмитасида «Кооперативлар, вилоят давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида автотранспорт воситаларини реализация қилиш тартиби жиддий бузилаётганлиги тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Шаҳар ва туман ижроия қўмиталари, вилоят ижроқўми молия бошқармасининг мамлакат ва жумҳурият ҳукуматининг транспорт ва қишлоқ хўжалик техникаси айрим турларини кооперативларга сотиш тўғрисидаги қарорларини бажариши қониқарсиз деб топилди. Юқори идоралар қарорини бажаришга маъмулийташқилчилик ва юзаки муносабатда бўлганлиги, корхоналар ва кооперативлар фаолияти устидан назоратни сусайтириб юборганлиги, давлат автотранспортининг кооператив ва фуқароларга белгиланган тартибда сотилишидаги қўндалма камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўрмаганлиги учун Гулистон шаҳар ижроия қўмитаси раиси Т. А. Раҳимовга қаттиқ ҳайфсан берилди. Вилоят ижроия қўмитаси қарори бажарилишини таъминламаганлиги, корхоналар, ташкилотлар ва кооперативлар фаолияти устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги учун Янгиер шаҳар ижроия қўмитаси раиси А. П. Абдуллаев ва Комсомол тумани ижроия қўмитаси раиси М. А. Исаева нисбатан ҳам шундай чора кўрилди.



ҚУЙНИДАН ТЎЖИЛСА, ҚУНЖИГА

Иқтисодий танглик ва мураккаб молиявий муаммолар шароитида маълум тартиб ҳамда қоидаларнинг бузилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу муносабат туфайли Сирдарё вилоят ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль назорияти ташаббуси билан кооперативларнинг вилоят ташкилотлари, корхоналаридан автомашиналар сотиб олиши ва сотишдаги ҳаракатлари қай даражада қонунийлиги текшириб кўрилди. Бу ишга СССР Давлат банки вилоят бошқармаси, вилоят ижроия

қўмитаси маъмурий идоралар бўлими, вилоят давлат солиқ назорияти раҳбарлари, етакчи мутахассислари жалб этилди. Текшириш пайтида корхоналар, ташкилотлар, кооперативларнинг автомашиналар сотиб олиш ва сотишни тартибга солувчи ҳукумат қарорлари, «Давлат корхонаси тўғрисида» ҳамда «Кооператив тўғрисида»ги қонунларга асосланлиди. Ҳаракатлар зое кетмади, бир қатор жиддий камчилик ва нуқсонлар аниқланди.

12-Н» прицепни шартнома бўйича сотиб олади. Бу олди-сотдини давлат хўжалиги туман деҳқончилик-саноат уюшмаси билан келишмаган, меҳнат жамоаси кенгашининг қарори йўқ. Аслида машиналардан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланилмаган, бунинг натижаси ўлароқ хўжаликка ҳеч қандай даромад келиб тушмаган.

Оқолтин тумани ижроия қўмитасининг 1989 йил 23 февраль қарорига мувофиқ «Фарғона-1» кооперативи тугатилган. Кооператив тугатилгач, «Шкода-706» автомашиналари ва «Алка-12» прицепларининг иккитаси 1989 йил 7 апрелда Тошкент вилоятининг «Берёзка» кооперативига 20640 сўмга, биттаси Тошкент шаҳар Октябрь туманидаги кооперативга 10 минг сўмга сотилган. «Фарғона-1» кооператив фаолияти тўхтатилганлиги билан юқоридаги автомашиналар унинг ҳисобида турибди, негаки улар вилоят ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорияти ҳисобидан чиқарилмаган.

Кооперативларнинг гаройиб фаолияти билан танишиш жараёнида бундан ҳам ажабланишлик «ишбилармон»ликлар кўриниши маълум бўлди.

1988 йил 19 апрелда «Электрик» кооперативи (раиси Г. Абдурашитов) очилган. У турли объектлар қуриш ва сошлаш, элктр жиҳозларини монтаж қилиш ва тартибга солиш билан шуғулланиши лозим эди. Лекин кооператив ўз маънафини бошқа нарсдан топди. 1989 йилнинг апрелидан декабрга 7 автомашина, шу жумладан 4 та «Москвич» (учтаси алоҳида шахслардан), битта «Жигули», «Ераз-762»

қурилиши»нинг 28-автобазасидан 3 та автомашина олади. Раис Ш. Абзалов ана шу автомашинадан бири — «УАЗ-303» машинасини 1000 сўмга, автобазадан олинганидан 2348 сўм кам баҳода сотиб олади. Иккинчи автомашина — «КамАЗ-5571» Э. Абзаловага сотилади.

Текширув давомида «автомашина операцияси»нинг бошқача йўллари борлиги ҳам аниқланди. Корхоналар, ташкилотлар аввал фойдаланишда бўлган машиналарни кооперативларга сотади. Шу пайтда жамоа аъзолари навбатда туришади. Орадан кўп вақт ўтмай кооперативлар бу машиналарни ўз аъзолари номига қайта расмийлаштирилади ёки алоҳида шахсларга сотади. Масалан, Гулистон автобус-таксомотор парк (бош ижарачи К. Шин) 1989-1990 йилларда 12 та транспорт воситаларини, шундан 7 та «ГАЗ-24», 4 та «ПАЗ-762», 1 та «РАФ» автомашинасини реализация қилган. 12 та автомашинадан 9 таси кооперативларга сотилган. Улардан фақат «Прогресс» кооперативига 2 та, «Пластик» кооперативига 3 та «ГАЗ-24» автомашинаси насиб этган.

Автомашиналар эскиргани ва камдаромад келтиргани учун шартнома баҳоси бўйича ижарачилар кенгаши (кенгаш аъзолари асосан АТП раҳбарларидан иборат) қарорига мувофиқ реализация қилиниши лозим. 1989 йил 1 июндаги шартномага, ижарачилар ва АТП меҳнат жамоаси кенгаши қарорига асосан Сирдарё туманидаги «Пластик» кооперативига (раиси А. Қям) 4500 сўмдан 3 та автомашина сотилган. Жойдаги яқиндан танишувдан шу равшанлашдики,

ги шартномага мувофиқ маънавий эскирган ва норентабелли деб топилган 2 та «ГАЗ-24» автомашинасини 5 минг сўмдан Ворошилов туманидаги «Прогресс» кооперативига (раиси Г. Фозилов) сотади. Мазкур кооперативга бундан ташқари «РАФ-2203» автомашинаси реализация қилинган. Бу автомашиналар 1990 йил ижарачилар кенгаши қарорига асосан 4950 сўмга 13-14 июлдагина кооператив ҳисобига ДАНда рўйхатга олинган. 31 августда эса «ГАЗ-24» автомашинасининг бири кооператив раиси Г. Фозиловга, бири унинг акиси У. Фозиловга, «РАФ-2203» автомобилни Н. Мирзаяева сотилган. Автомашиналар учун кооперативга пул 14 сентябрда тўланган.

Қизиги шундаки, Гулистон автобус ва таксомотор паркнинг ўзида ҳисобдан чиқарилиб сотиладиган автомашиналарга талаб кучли. «ГАЗ-24» ва «Москвич-412» автомашиналарини олиш учун 56 киши, 5 киши 1987,9 киши 1989 йилдан бери навбатда турибди. Улардан кўпчилиги шу автокорхонада 10 ва 20 йилдан ортиқ вақтдан бери ишлайди.

СССР Давлат нарх қўмитасининг «Енгил автомобилларни ҳисоблаш ва реализация қилиш тартиби тўғрисида»ги 1988 йил 26 август қарорига мувофиқ аввал фойдаланишда бўлган машиналарнинг улгуржи ва чакана нархдаги фарқ суммаси оборотдан тушган солиқ сифатида маҳаллий бюджет даромадига ўтказилиши керак. Текширув пайтида корхоналар ва ташкилотлар томонидан сотилган машина-

Вилоят ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорияти бўлимига ҳамда вилоят ижроия қўмитасига транспортни сақлаш ва ишлатишни тартибга солиш, ҳайдовчиларнинг меҳнат, транспорт интизомини мустаҳкамлаш, кооперативлар ва кичик корхоналар раҳбарлари томонидан транспорт воситаларининг қайта сотилишига йўл қўймаслик юзасидан бир қатор таклифларни киритди. Фақат транспорт воситаларини сақлаш, ишлатиш ва сошлаш шароити бўлган кооперативлар ҳамда кичик корхоналарнинг низоми шаҳар, туман ижроия қўмиталари ва ички ишлар бўлиmlари томонидан рўйхатга олинади. Кооперативлар ва кичик корхоналарга тегишли автотранспорт воситалари учун йўл арақалари тўлдириш, транспорт ва ҳайдовчилар ишнини ҳисобга олишни ташкил этиш устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Бозор иқтисодиёти ниқоби остида фақат ўз шахсий маънафинигина ўйлаб фаолият кўрсатаётган ҳар қандай кооператив ва жамоа устамонларига нисбатан мурсасизлик бундан буён янада кучайтирилади.

Ш. АЛАШЕВ,
Сирдарё вилояти ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси давлат автотранспорт назорияти бўлими бошлиғи милиция подполковниги.

Х. КЕЛДИБЕКОВ,
«Сирдарё ҳақиқати» рўзномаси совет қурилиши ва маъмурий идоралар бўлими муҳбири, ССЖИ Журналистлар уюшмаси аъзоси.

A. АНТОНОВ - ОВСЕЕНКО

Мен биринчи кунлардаоқ Берия ҳақидаги китобга 1980 йилда Нью-Йоркда босмадан чиққан Сталин тўртинчидаги «Золот портрети» китобининг давоми сифатида қарадим. Ҳақиқатдан, мен Берияни Сталиннинг кўзгудаги аксига ўхшатаман. Улар оммани бошқаришда устаси фаранг бўлиб, инсонларга нафратли ва шафқатсизларча муомала қилиш биринчи ўринда турарди. Ҳатто Г. Ягода — унга қадар Менжинский ва Дзержинский, кейинчалик Ежов — Любянкадан чиққан ушбу ишбилармонлар бу ўринда ҳаваскорлар эди. 1938 йили Лубянкага Бериянинг келиши — бу НКВДга ўз ишига уста одамнинг кириб келиши бўлди. Сталиннинг теварагидаги одамлар юмшоқ қилиб айтганда, на ақл-заковатда, на мардлиқда, на ўз ишини урдалаш борасида кўзга ташланишарди. Улар ичида Берия аниқ ажралиб турарди. У жаҳолатпарастнинг жаҳолатпарастлиги, уста жаллод, террорчи, ташқи сиёсатда ўзгартириш учун [Германияни бирлаштириш] шундай ислохотларни амалга оширишни [масалан колхозларга тааллуқли] таклиф қилдики, ҳамфикрлари уни Совет давлатининг ва Коммунистлар партиясининг душмани деб аташлари турган гап эди. Менинг Сталин ва Берия ҳақидаги китобим бир мунча кечикиб чиқди, чунки мен отамни оқлаш [реабилитация] билан узоқ вақт машғул бўлдим. Хрушчев вақтида эълон қилинган оқлаш расмий баёнотгина бўлиб, Антонов-Овсеенкодан шу вақтга қадар «троцкийчи», «халқ душмани» деган тамга олиб ташланмаганди. Лениннинг сафдошлари бошига Хрушчев оқлаганидан сўнг ҳам фалокатлар дўли тўхтамаганлиги мени ёзишга мажбур этди. Мутахассис тарихчилар ва ўз-ўзидан ўқувчилар учун ҳам улар халқ душманлигича қолдилар. Мен бу билан шугулландим. 1965 йили «Политиздатда» «Революция номи билан», кейинчалик «Лениздат»да таниқли инсонлар туркумидаги янги китобимни босмадан чиқардим. Шундан кейингина Сталин ва Берия мавзусига қайтдим.

МУАЛЛИФ.

Сталин ўлимидан сўнг ҳокимиятнинг юқори поғоналарига галати вазият вужудга келди. МҚ қотиблги постини эгаллаган Хрушчев ҳали тан олинмаган йўлбошчи эди. Хануз барча масалаларни Берия ва Маленков ҳал қиларди. Сталиннинг арзандалари — Молотов, Каганович, Ворошилов, Микоян — қудратли механизмга қарши чиқиб, Никита Хрушчевнинг позициясини (қарашларини) мустаҳкамлай олмасдилар. Улар кабинет фитначилари, жуда моҳир шухратпарастлар бўлиб, бир-бирларига сира ишонмас, рақибларининг ҳар бир қадамини астойдил кузатишардики, уларни ҳеч нарса бирлаштира олмасди. Аммо уларнинг бир ўхшашлик томони бор эди, бу ҳам бўлса, ҳокимиятга чанқоқлик ва уни бой беришдаги даҳшат.

Хрушчев партия аппаратыга, кўп йиллик анъаналарга таянган ҳолда марказ ва жойлардаги ходимларни ўз иродасига бўйсундириши мумкин эди. Бироқ унга журъат етишмасди. Берия эса қулай пайтни пойларди.

Эллик учинчи йилнинг баҳорига келиб Президиумда кучлар мувозанати бир мунча ўзгарди.

Берия олий партия идорасини силкитиб қўйишга асос тайёрлай бошлади. Унинг фикрича, Маленков ўзининг бой тажрибаси, марказий аппаратдаги мустаҳкам алоқалари билан унинг содиқ ёрдамчиси бўла оларди. Берия қудратли жазо ва қидирув идораларига суянган ҳолда Президиум аъзоларининг тарқоқлигидан завқланарди. Ким унинг йўлига тўғоноқ бўла оларди?

Анастас Микоян билан Хрушчев шаҳар ташқарисига битта машинада чиқишиб, автомобилни катта йўлда қолдиришди-да, бирга ўрмон теварагидаги масъулиятли сайрни бошладилар. Микоян: «Мен Лаврентий Павловични 1919 йилдан бери биламан, у менинг кўз ўнгимда йирик партия ходимига қадар ўсди, шундай хизматларга сазовор бўлган инсонни қўқисдан олиб ташлаш мумкин эмас-ку. Унинг хатоларини кўрсатайлик... У ўртоқлари танқидини эътиборга олади» — ... дея айёрлик қиларди. Хрушчевнинг Микоян билан яна бир бор суҳбатлашишига тўғри келди.

Молотов билан суҳбат эса кутилмаган ҳолда силкиб ўтди. Хрушчев билан шаҳар ташқарисига сафаридан бир неча кун аввал давлат хавфсизлиги хизмати Вячеслав Михайловичга маълум қилмасдан, унинг шахсий кўриқчиларини алмаштириб қўйди. Молотов кўп

дан бери бу хавфли фитналарга ташвиш ва шубҳа билан қарарди. Улар уни иккинчи, йўқ, энг охири поғонага тушириб, энди бундан ҳам баттар бир нима тайёрлашаётган эди. Сталин сафдоши ўта калтафаҳм бўлишига қарамай, табиат уни ўз-ўзини сақлаш ҳисидан қўймаганди. Хрушчевга ўзининг қатъий ёрдамини ваъда қилган Молотов Берия ва Маленков бир уришда йўқ бўлади, дея тахмин қиларди. Бироқ Никита Сергеевич мустаҳкам механизмни батамом тор-мор қилиш ниятида эди. Аммо бу у ўйлаганчалик мустаҳкаммиди? Яқинлашаётган жазо хавфи ҳамма қатори Маленковни ҳам кутмаётганмиди?

Хрушчев Маленков билан бўладиган ҳал қилувчи суҳбатдан хавотирда эди: «Сирни фош этиб қўйсачи?» Лекин у бу қалтис ишга қўл уриши билан Маленков кўпчилиққа ён босди. Шу кунгича Хрушчев Воздвиженкога йўл олди. Олий Совет Президиуми Раиси воқеанинг бундай ривожини кутмаган эди.

— Сиз менга нимани тавсия этаёсиз? Уртоқ Берия — ажойиб ленинчи. Мен Лаврентий Павловични ҳурмат қиламан, ҳеч ким мени фикримдан қайтара олмайди, — тутақиб кетди Клиим Ворошилов.

— Худо ҳаққи, аюҳаннос солмасанг-чи, — уни тинчлантирди Хрушчев. — Бу ерда иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Сенинг ҳеч нарсадан хабаринг йўқ, ҳамма Президиум аъзолари биз билан. Агар биз шошилинч чораларни кўрмасак, у бизни битта-битта бўғиб ташлайди, наҳотки шунини тушунмасанг?

Аммо маршал кўрқоқлик қилди. Лазарь Каганович Ворошиловдан узоққа кетмади. Хрушчев унга ҳамма сирини айтишга мажбур бўлди: Маленков, Молотов, Булганин, Сабуровлар «ҳа» деб жавоб бердилар. Ниҳоят ўз розилигини берган Каганович Ворошилов тўғрисида сўради. Хрушчев маршалнинг сўзларини қайтарди. Каганович газабланди: «Қари кўпмак! У сизга ёлгон гапирган, у менга Берияни кўрган кўзи йўқлигини, унинг хавфли эканлигини, у ҳаммаимизни йўқ қилиши мумкинлиги ҳақида гапирганди».

Хрушчев Ворошиловни яна бир синаб кўриш мақсадида унинг олдига Маленковни юборди. У ҳаракатнинг аниқ режаси билан таништираркан, Ворошилов уни қучоқлаб йиғлаб юборди.

Бирдамлик қўлга киритилиши ҳаманоқ Булганин Жуков билан биргаликда кучларни сафарбар қилишга киришишди. Қандай қилиб Берия агентларига билдирмасдан Москва остонаси ва пойтахтнинг ўзига кучли ҳарбий қўшин гуруҳи тузиш мумкин? Москва ҳарбий округининг қўмондони Артемьев Бериянинг ишончли малайи. Аввал ички ишлар вазирлигига қарашли ички қўшинлар дивизиясига қўмондонлик қилган. Мудофаа вазири биринчи навбатда уни ёзги ўқув машқлари баҳонасида Москвадан чиқариб юборди. Машқлар Смоленск атрофида бошланган эди.

Май ойининг ўрталарида Берлинда галаёнлар бошланди, ишчилар иш ташладди. МҚ Президиуми у ерга Лаврентий Берияни юборишга қарор қилди, бир гуруҳ ҳарбийлар унга бириктирилиши лозим эди. Бериянинг йўқлигидан фойдаланиб, Маленков, Булганин ва Хрушчевлар кичик кенгаш чақириб, унда қудратли вазирни ишдан четлаштириш ҳақида аниқ чораларни муҳокама қилиш ниятида эдилар. Кимдир 20 майда Президиум мажлиси мўлжалланаётганлиги ҳақида Берияни хабардор қилишга улгурди. Берия шу заҳоти сим қоқди:

— Менсиз нима қилмоқчисизлар? Кун тартиби қандай?

— Оддий мажлис. Қишлоқ хўжалигига доир масалаларни кўриб чиқамиз, — жавоб берди Хрушчев.

— Нима учун бу масала? Менга ҳамма ҳужжатларни жўнатинглар.

— Оддий мажлис. Қишлоқ хўжалигига доир масалаларни кўриб чиқамиз, — жавоб берди Хрушчев.

— Нима учун бу масала? Менга ҳамма ҳужжатларни жўнатинглар.

Ердамчиларга зудлик билан зарур ҳужжатларни тайёрлаб, уларни Берлинга жўнатишга тўғри келди. Эртаси кун Берия яна сим қоқди:

— Нега қишлоқ хўжалиги бўйича МҚ котиби, нега вазир йўқ? У ерда нима жинилик қилаёсизлар? Мен учиб кетаёяман.

У Москвага бир кун бурун етиб келди, шу боис бизнинг фитначиларга ҳақиқий қишлоқ хўжалик масалаларини ҳал қилиш саҳнасини ўйнашга тўғри келганди. Режалаштирилган операцияни кейинга суриш керак эди. Бунинг устига ҳали кўп нарса тайёр эмасди. Айниқса, Сталиннинг энг қадрдон ёрдамчиларидан бўлган Анастас Микояннинг бу шартда тутган ўрни ташвишлантирарди. Ахир, у билан икки марта суҳбатлашишга тўғри келганди-я. Микояннинг кўпчилик тарафига ўтгани кўриниб турибди-ю, лекин ўз сўзига содиқ қолармикан? Ворошилов ҳам... Бу орада аҳвол ҳам шубҳасиз кескинлашаётганди. Маленков ҳамда Булганин Москва яқинидаги Минск катта йўлларидан сирли десантчилар дивизияси тузилмаётгани ҳақида маълумот етиб келди. Бу маълумотлар Бош разведка бошқармаси орқали маршал Жуковга ҳам етди.

Июнь ойининг бошларида Берия қандайдир сабаб топиб, мамлакатнинг турли вилоятларидан 400 нафар партия ходимини қисқа муддатли курсларга йиққанлиги маълум бўлди. Тингловчиларнинг деярли ярми Кавказорти жумҳуриятларидан келди. Уларга тўппончалар тарқатилиб, Кремлга чақирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилди.

Берияни қамоққа олиш 26 июнга белгиланди. У Кремлга кенгашиш учун келгани ҳамон жанговар тревога билан бутун ҳарбий академиялар оёққа тургазиллиши ва пойтахтга ишончли дивизиялар кириб келиши керак.

Бўлғуси мажлис ҳақида ҳамма МҚ Президиуми аъзолари биларди, аммо унда нималар юз бериши, умумий операция режасини фақат уч одам — Маленков, Булганин, Хрушчевларгина билардилар. Яна бир одамни иш тафсилоти билан таништирилди. Бу — маршал Жуков эди. Бироқ у бор-йўғи МҚ аъзолигига номзод эди.

Мана ниҳоят шу кун келди. Кремль коменданти генерал Ведин Москва чеккасидаги ўзининг ўғли командир бўлган полкни чақиртириб олди.

РСФСР Олий Совети номидаги билим юрти ҳарбий ҳолатга келтирилди. Кремль деярли ҳарбийлар билан тўлиб-тошди.

1953 йил 26 июнь. Шу кун кундуз соат бирда Никита Хрушчев Москва район ҳаво мудофааси қўмондони генерал-полковник Кирилл Семенович Москаленковни чақиртирди:

— Сенда содиқ одамлар борми? Шундай одамларки, уларга ўзингга ишонгандек ишонадиган.

— Топилади, Никита Сергеевич.

— Унда тўртта одамни ол. Уларни билан сигараларини олишсин.

— Қанақа сигаралар?

— Нима эсингдан чиқди-ми, фронтда нима деб аталарди?

Генерал эслади. Хрушчев револьверларни кўзда тутганди.

— Бош штаб ҳовлисида сени одамларинг билан Булганин кутади. Шошил.

Москаленко шу заҳоти топириқлар бўйича офицер Виктор Иванович Юферевни чақиртирди ва Хрушчевнинг топириқидан хабардор қилди. У подполковникдан сўради:

— Сен қандай фикрдасан, Батицкийга ишонса бўлади-ми?

Ҳарбий Хаво Кучлари бош штаби бошлигини Юферев ишончли одам, жанговар генерал сифатида биларди. Яна у Москва район ҳаво мудофааси штабининг бошлиғи Алексей Иванович Баксовга ҳам тўлиқ ишониб мумкинлиги ҳақида қўшимча қилди.

— Яна кимни ўзимиз билан олсак экан? — сўради Москаленко.

Юферев сиёсий бошқарма бошлиғи Иван Григорьевич Зуб номини айтди. Шоферни ҳисобламаганда, бешовлон кетишди.

Бош штаб ҳовлисида Москаленко гуруҳини маршал Булганин кутиб олди. Уни шахсий қоровуллар бошлиғи Фёдор Безрук кузатиб борарди. Вазирнинг машинасига кўчиб ўтишди.

— Кремлга, — бурорди Булганин, Троицк дарвозаси ёнига келганларида, Булганин тайинлади:

— Бошларингизни чиқарманг.

Соқчилардан бахайр ўтиб олишди, махсус ҳукумат подъезди олдига келиб тўхташди, бу «бурчак» деб аталарди, иккинчи қаватга кўтарилишди. Мана, қачонлардир Сталин ўтирган хона, Ҳозир бу ерда МҚ Президиуми мажлиси ўтказилмоқда. Булганин хонага кирди, қолганларни котиб хонасидан рўпарадаги хонага кузатиб қўйишди. У ерда ўн беш, йигирматача — МҚ ходимлари, бир нечта генераллар ва маршал Жуков бор эди. Ҳамма ўзини эркин тутарди, ҳазиллашарди, латифа айтишарди...

Шу пайт Хрушчев пайдо бўлди. У Москаленкога яқинлашди:

— Сиз Президиум аъзоларидан бирини ҳибсга олишингизга тўғри келади. Эҳтимол, у қуролланган бўлиши мумкин...

Хрушчев нигоҳини гавдала, бақувват Батицкий ва

Юферевда тўхтабундай, сиз унинг ласиз, қачонлиги айтишда ва ун оласизлар.

Юферев: Нима, мумкинми?

Хрушчев: Йўқ, уга сақлаб қолиш роли ишлатилмасин ҳамма шу ерда. Икки марта узун овозини эшитишингизнинг олдимизга лисга кираверинг. Иккидан тўғри хонага ҳеч кимга эътиборлар.

Хрушчев чиқиб охири котиб кириб келди, ўтирди ва сўради:

— Кун тартиби...

— Битта масала: воб берди Хрушчев ренгий Берия ҳақида Маленковга қарача қилди. — Ҳисоб...

Ун беш дақиқада вақт ҳам ўтмадики узун кўнғироқ овоз тилди. Ҳарбийлар очишди, уларни кутиб олди. Бешовлон ёнидан ўтиб, рўпаранага ўтишди. Улардан маршал Жуков...

...Раис ўрнида — ков, ўнг томонда — чев, унинг ёнида — ни, эшикка яқин — ковга қияла — Бер ренгий Павловичнинг расида — Ворошил...

Кирганлар чап турарди, Булганин Бериянинг орқаси Маленков ҳужжатларини тугатмоқда эди турганингиздек, Бер қатгина ички душ либгина қолмай, халқро миёнадаги бўлиб чиқди. Дар қамоққа олиш ва ўртоқларнинг кўл шириш таклиф эти...

Батицкий ўзининг беллумаи ни олди. «ТТ» ни чиқарди. Берия бошини лам билан қорозга дир ёзиб ўтирарди чалиқ маълум бўл фақат бир сўзни, сўзини ўн тўққиз қайтариб ёзганди. Берия нигоҳини ҳарбийлар унинг ёришарди — Юферев мониди, Батицкий мониди.

Жуков яқинлаш лингизни кўтаринг. моққа олиндингиз.

Тарих бир сўра лаб қолган: Бер Ворошилов худди лардек қучоқлаш шибди. Лекин Кли Лаврентийни до кўрарди ва ундан ди. Кўрқоқроқ ма қеаларнинг бориш ни олдиндан билби интиларди, ахир, чекистни ўша Ива каби қадрдон дўст қариши мумкин эд та Сергеевич беко ишонди. Ниҳоят, МҚ Президиуми х олиб чиқишганлар рошилов шу ерда нозир эди. У бақул чиларнинг кўзига Подполковник фуражканин коти сида қозиқда қол ўтиб х та туриб у...





Қўлини эшикка қўйиб, фотообъективга қараб турган бу йигитнинг исм-шарифи — Ботиржон Матмусаев. У муқаддам судланган. Озодлик ҳавосидан бебахра бўлиш унинг эс-хушини киритмаган кўринади. Яқинда яна ўғирликка қўл урди. У шериклари билан андижонлик М. хонадонига кириб, 20 минг сўмлик буюмларни умарган.

СУРАТЛАРДА: Б. Матмусаев Андижон шаҳар ИИБ 1-милиция бўлини маси бошлиғи ўринбосари милиция катта лейтенанти Абдуқадир Хотамовга ўғирлик тафсилотини гапириб бермоқда; улар таширф буюрган хонадон кўздан кечирилмоқда.

Ғулмжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган суратлар.



ЖИНОЙ ҲАНГОМАЛАР

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Қўлогимга Фарғона музофотининг Повулгон қишлоғида қулишини ҳам, куйишини ҳам билмайдиган ғаройиб воқеалар юз бериши чалинган. Лекин содаликда жумхурият бўйича етакчи ўринлардан бирига даъвогар повулгонликлар Жиззах деган томоннинг Зомин деган тумани борлигини билишсада, у ерда ўзлариникидан ўтса ўтадигану орқада қолмайдиган антиқа ҳодисалар дунёга келишини етти ўхлаб, тушларида кўришмаган.

Хизматчилик юки билан Зоминга қадам ранжида этганимда, туман ички ишлар бўлимида бошини чаггаллаган терговчини учратдим. Ўлганнинг устига тепган қилмай деб, ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори Мамадиёр Бойзоқовнинг оғзига тикилдим савол аломати билан. У кишининг айтишича, ер тагида илон қимирласа пайқайдиган терговчига бениҳоя жабр бўлибди. Келинг, бошлиқ ўринбосари ҳикояси билан Сизлар ҳам танишинглар.

Зомин — катта юрт. Бир эстаги Мирзачўл тупроғига тақалса, иккинчи тарафи бутлутўпар чўққили тоғлардан иборат. Кенгчилик турмушининг кўп соҳасига сингиб кетган. Масалан, давлат ёки жамоа хўжаликларидан транспортдан шахсий мақсадда фойдаланиш қор забтини йўқотмаган зилола сувни ичишдан ҳам осон. Хоҳлашса молхонага пичан ташишда, хоҳлашса дўқондан бир қути чой олишга боришади.

3 апрель куни кеч соат 9 ларда туман бўрдоқчилик базаси трактори жойига қайтмади. Чунки тракторчи Қаҳҳор Саидқулов касалхонадаги танишидан ҳол сўраши керак эди. Тайёр тўрт оёқли тулпор турганда, пидеда лўкиллаш кимга ёқади? Ҳаммаси кўнгилдагидек эди-ю, Қаҳҳорни шайтон йўлдан оздирди. Тезроқ қайтиб чиқиш умидида моторни ўчирмасдан бемор ҳузурига ошиқди.

Қайтиб чиққанида трактор юз метрча нарида кетиб борарди. Кўчани унинг алам аралаш қичқирғи тутди:

— Ҳой, яхшилар! Тракторим... Тракторни олиб қочти...

Яхшилардан бирининг инсофи тутиб, енгил машинасига уни ўтиргизди ва дили вайрон «меҳрибон» эгасидан тобора узоқлашаётган трактор орқасидан тушди. Икки нафар олибқочар ҳам ичидан пишган экан. Қўзларидан олмосни ҳам эритиб юборадиган ғазаб ўти чақнаган тракторчи етиб олаётганини кўриб, ўзларини кабинадан пастга отишди. Саидқулов довдираб қолди. Ўғирларни тутай деса, трактор тезликни пасайтирмай йўлда давом этипти, уни тўхтамай деса...

Ақлу хушини жамлагунча ўжар трактор йўл четидан турган енгил машинага урилди. Бўлди томоша, асти қўяверасиз.

Олибқочарлар кўз очиб юмгунча ушланди. Жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўладиган «шўхлик» ишқибозларидан бири 9-ўрта мактаб қоровули Эминжон Бўтаев, иккинчиси маст ҳолатдаги Умнат Жабборқулов экан. Уларку пиширган ошини ейди. Терговчини қийнаётган савол бошқа. Трактор ўзи юриб бориб пачақлаган машинани ким тузатиб беради? Балким ҳуқуқ илмининг пўстагини хўб ва кўп ағдарганлар бутун Зомин милицияси бошини қотирган саволга жавоб берарлар?

Орадан уч кун ўтди. Зоминда яна дув-дув гап. Нима дейсан, Тоҳиров номли давлат хўжалиги механизатори Эркинжон Узоқова биркирилган тракторни кечаси уйи олдидан ўғирлашибди.

— Ўғирлангани йўқ, — жирттакилик билан эътироз билдирди Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоси Урозали Абдураҳмонов.



Ер келинчақдай тўлишган дам. Зоминга меҳмондорчиликка келган Урозали ҳаво алмаштириш мақсадида ташқарига чиқса, кўчада шумшайиб экинш агрегати осилган уч гилдиракли «МТЗ-80» белгили трактор турибди. У Урозалининг қадаҳлар таъсирида сузилган кўзларига шундай мўлтираб қарадики, йчини ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Аввалига тишини тишига босиб чидади, кейин дош беролмади. Шартга трактор кабинасига кўтарилди-ю, Гулистон қайдасан, деб йўлга тушди.

Давлат автомобиль назориятининг «Ховос» постига келгунга қадар ҳеч ким сезмади. Ўзини тўхтатган ДАН ходимиға бутунлай бошқача исм-шарифни айтди. Тиббий экспертиза уни маст ҳолатда эканлигини кўрсатгач, тракторчи ҳам ташлаб, кўздан ғойиб бўлди.

Зоминда эса Эркин Узоқов дод-вой солиб, туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилди. Унинг бахтига участка вакили милиция лейтенанти Усмон Қўзиёв бегона машина рақамини кўз остига олиб қўйган экан. Ўша орқали туз ичиб, тузликқа тупурган Урозали изига тушинди.

— Ўғирлик қилганим йўқ, — деб ўжарлик билан такрорларди у. — Экинш агрегати осилган трактор бехудага уй ёнида турганига юрагим ачишиб кетди. Ўзимиз томонда ундан унумли фойдаланмоқчи эдим.

Ҳа, қаердаки, тартиб-интизом суст бўлса, ўша ерда Зоминдаги сингари ҳангома-лар охири тугамайди. Икки ўртада милициянинг юмуши болалайверади.

Хушёрбекнинг эшитганларини қозоғга оқизмай-томизмай «Постда» мухбирлари Ғайратжон БОЛТАБОВ ва Раҳмонали ҚОСИМОВ туширди.

Андижон шаҳрида Мукаррама Муҳитога деган бир аёл яшайди. У 1987 йилгача ўрта мактабда ўқитувчилик қилди, айна кунларда эса кеңсалик гаштини сурапти.

Лекин гап у ҳақда эмас, балки отаси, шонли ўзбек милициясининг тамал тошини қўйган Закир Муҳитов ҳақида.

Татар миллатига мансуб бу одам ҳақида дастлаб тарихий манбаалардан ўргандим ва тўпланган маълумотларни Мукаррама опа хотиралари билан таққосладим.

Андижонликлар назарида афсонавий миллионер бўлиб қолган бу кишининг суронли фаолияти Ўзбекистон ҳаёти билан 1919 йилдан боғланган. Ўшанда у Туркистон ўлкаси маркази ҳисобланмиш Тошкентни ахсилни-қилбчилардан тозалашда, кейинчалик Бухоро амири Саид Олимхоннинг илдизига болта уришда фаол иштирок этди.

Бухоро амирлик сиртмоғидан тўла-тўқис озод этилгач, яъни 1921 йили у Туркистон фронтининг Фарғонадаги қисмларига жўнатилди. 13-кавалерия полки таркибидан тинч аҳолини саросимага солган, оч-яланғоч халқнинг бор-будини шилиб олиб, навниҳол қизларнинг, покиза жувонларнинг номусига та-

жовуз қилаётган босмачи тўдаларига қарши аёвсиз кураш олиб борди. Ошава, Бўтақора, Найман, Маслаҳат, Миробод, Новқат, Уш, Андижон, Ҳаққулобод каби шаҳар ва қишлоқларда Раҳмонқул, Мулла Мўйдин, Усар, Қозоқ қўрбоши галаларини тор-мор этишда мислсиз жасорат кўрсатди. Бомон қирғин-баротларда икки марта оёғидан, уч марта қў-

солиб қўйганди. Бугунги милициямизнинг ўша даврда тилга тушган вакилларида Сотволди Исломбоев, Абдуллажон Сўфийбоев, Исмонил Мирзабоев, Умарали Сулаймонов, Раимжон Қориев, Пўлат Хўжаев, Ашуралӣ Эгамбердиевлар ана шу эскадроннинг моҳир жангчилари бўлишган.

Зокир Муҳитов ўша йилларда ишчи-деҳқон ва сол-

бўлди. Қаерда аҳвол оғир бўлса, уни жўнатишарди. Ойим, Норин, Избоскан туманлари милиция бўлими-ларига бошлиқ этиб тайинланганлиги ҳақидаги ҳужжатлар фикримизнинг исботидир.

— Отам қаттиққўл, айна пайтда одамохун, гўзалликка ташна, ишбилармон киши эди, — деб хотирлайди Мукаррама опа. — У шахримиз-

тузишда бош-қош бўлди. Агар 1939 йилда оғир хасталикка чалиниб, ҳаётдан кўз юммагаганида яна қанчадан-қанча эзгу ишларни амалга ошириш ниятлари бор эди. Афсус...

— Умуман оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз, — дея илтимос қилдим опадан.

— Ҳа, дарвоқе, онамни бир марта эслабман-у, бирор оғиз ҳеч нарса демабман, — деб кулади у. — Онамининг исми Мўътабархон эди. У 1926 йилда отам билан турмуш қурган, миллатига ҳам қарамаган — муҳаббат деганлари шу бўлса керакда.

Аввал 13-тўрт йиллик мактабда, кейин шаҳардаги мактабда (ҳозирги Муқимий номли 29-ўрта мактаб) дарс берган.

Отамнинг ўлими уни жуда чўқтириб қўйди. 1942 йилда эса онамдан ҳам ажраб қолдим.

Татар ўғлини ва ўзбек қизи қурган оиланинг янмаю ягона ёдгорлиги бўлиши Мукаррама опа ота-онаси ҳақида гап кетса, гоҳ тўлқинланиб, гоҳ ҳаяжонланиб, гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаб гапирди. Улар интилиб етолмаган айна замонда яшаётганга шукроналар аяяди.

Мамуржон БОЛТАБОВ.

МИЛИЦИЯ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

КОМАНДИР МУҲИТОВ

лидан яралади. Бу жароҳат азобига чидаш қийин бўлсада, жанг майдонини тарк этмади.

Худди шунингдек архив ҳужжатларида унинг 1923 йил 10 февралдан то 1927 йил 20 февралгача отлик эскадронга командирлик қилганидан далолат берувчи маълумотлар бор.

Андижонлик кекса кишилар командир Муҳитовни худди ана шу пайтлардан билдилар.

Чиндан ҳам, 600 дан зиёд чавандозлар йиғилган бу эскадрон душмани таҳликага

дат депутатлари кенгаши Фарғона вилояти ижроия қўмитасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Ишчи-деҳқон қизил милициясининг 14 йиллиги муносабати билан Андижон шаҳар ишчи-деҳқон ва солдат депутатлари кенгаши Президиуми фармонига мувофиқ 1931 йил 11 ноябрда яна фахрий ёрлиқ ва портсигар билан мукофотланган.

1927-1928 йилларда у Андижон шаҳар 2-милиция бўлини маси бошлиғининг, кейин эса шаҳар милиция бошқармаси бошлиғининг ёрдамчиси

даги 2-милиция бўлини маси бошлиғи бўлиб ишлаган пайтда халқнинг дам олишига кўпроқ, аҳамият берди. Бу ҳам жиноятчиликнинг олдини олишдаги бир усул, деб оймга айтганлари эсимда. Унинг ташаббуси ва фаол иштироки билан ҳозирги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғига асос солинган.

У 1934 йилдан то умрининг охиригача Бағдод туманида милиция бошлиғи бўлиб хизмат қилди. Узоқ-узоқ қишлоқларда катта-кичин жамоа хўжалиklarини

ЙЎЛ ИНТИЗОМНИ ЁҚТИРАДИ

(ШАҲАР ЕШ ЙЎЛ НАЗОРАТЧИЛАРИ МУСОБАҚАСИДАН СУРАТЛИ ЛАВҲАЛАР)



Пойтахт мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Светофор—91» мусобақасига якун яшаш мақсадида куни кеча 11 та тумanning голиб ко-

мандалари ўзаро беллашдилар.

Шаҳар ИИБ давлат автомобиль назоряти ва халқ таълими Бош бошқармаси

ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирларга команда капитанлари тайёр эканликлари ҳақида мусобақа ташкилотчиларига рапорт бера бошладилар (1-сурат).



Командалар таркибидаги ташвиқот бригадалари (агит-бригадалар) мусобақа ҳа-

камларига ўзлари тайёрлаган интермедиялари, кичик концерт дастурларини кўрсатишди (5-сурат).



Еш автонazoratchилар бирин-кетини ўзлари ўзлаштирган йўл ҳаракати қондалари ҳақида Фрунзе тумани ИИБ ДАНБ ходими

милиция сержанти Минавархўжа Раҳматовга имтиҳон топшира бошладилар (2-сурат).

Собир Раҳимов тумани

ИИБ ДАНБ ходими Жўрақул Мустафоев ўқувчилар велосипед билан кўчада қандай ҳаракат қилишларини текшира бошладилар (3-сурат).



Милиция сержанти Сергей Кузнецов эса бошқа бир ерда еш автоинспекторлар-

нинг велосипедда қийин йўллардан қандай ўтишларини текшириб кўрди (6-сурат).



Еш йўл назоратчилари мусобақада йўл ҳаракати

қондаларини тарғиб қилувчи кўргазмаларини ҳам на-

мойиш этишди (4-сурат).



Командаларнинг сафда юриши ҳам кўздан ўткази-

либ, уларга тегишлича баҳолар қўйилди (7-сурат).

Бундан ташқари ўқувчиларнинг шикастланган йўловчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ўқувлари ҳам синовдан ўтказилди. Мусобақалар якунига кўра 1-ўринни Собир Раҳимов туманидаги 28-мактаб эгаллади. 2-ўрин Ҳамза туманидаги 282-мактабга на-

сиб этди. 3-ўринни эса Ленин туманидаги 218-мактаб командаси олди. Голиб команда 1-3 июнь кунлари Қарши шаҳрида бўлиб ўтдиган жумҳурият «Светофор—91» мусобақасида қатнашади.

Суратлар муаллифи Ҳабибулла ШОДИЕВ.

ТУНДА КЎЛАНКАЛАР

ЕКИ МУБОРАК ТУМАНИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ
ЖАСОРАТЛИ ХИЗМАТЛАРИДАН БИР ЛАВҶА

Эрта баҳор. Ҳамма Наврўз байрамини кутиб олишга тайёргарлик кўрар, янги кийим-бошлар тикилар, уйлар бир қур тозаланиб, саранжом-сарништа қилинади. Одамларнинг қалбида яшариш, янгиланиш эпкинлари кезарди. Табиатнинг дилбарлигидан сархуш бўлган қимирлаган жон борки, шу кунларда кимгадир яхшилик қилиш, кимнингдир кўнглини олиш ниятида эди. Бундай пайтда бировга озор беришни гуноҳ деб саналарди.

Ана шундай кунларнинг бирида Жўрабек олти нафар улфатлари билан «қайдасан, Бухоро?», деб йўлга отланди. Унинг мақсади бошқа — баҳор қуёшидан беркиниб қолган сояров бетдаги ифлос қордек эди. Бундай қолдиқ қор офтобнинг тафти авжига чиқмагунча кўм-кўкликка, беғуборликка доғ бўлиб тураверарди. Жўрабеклар ҳам ҳақиқат қуёши порлаб нур сочмагунча кўм-кўкликни — виждонли, ҳур фикрли, покниза инсонларнинг қалбини гашлаб, уларнинг тинчлигини бузиб юраверадилар. Бугун ҳам шундай бўлади...

Қадим Бухоронинг тор кўчаларидан бири. Кўпчилик хонадонларда чироқ ўчган, эрталаб барвақт ишга боровчилар дам олишмоқда. Хира ёришган йўлакда бир неча кўланка гимирлаб юрарди. Улар ким? Мақсадлари нима экан? Хизматда ушланиб қолганларми ёки йўлдан адашганларми? Унда нега бурчакдан-бурчакка пусиб юришибди?..

Шу пайт улардан бири кўз остига олинган ҳовли эшигидаги қўнғироқ тугмасини босди.

— Ким у? — ичкаридан овоз эшитилди.

— Неъмат ака, эшикни очинг, қўшингизман.

Уз исмини айтиб чақиргани учун ҳам Неъмат ака хотиржам келиб, илганни сугурди. Ва оstonадан ташқари ҳатлади, аммо шу заҳоти юзига тушган муштнинг зарбидан ичкарига қараб йиқилди. Ҳатто овоз чиқаришга ҳам улгуролмай қолди. Ҳалигилар югуриб киришди-да, бир лаҳзада унинг оғзига латта тиқишиб, қўл-оёқларини маҳкам қилиб боғлаб ташлашди. Сўнг уни кўтариб уйга олиб киришди. Ётишга ҳозирлик кўраётган оила аъзолари юзига ниқоб кийиб олган, қирқма миллиқ ва пичоқлар билан қуролланган кимсаларни кўриб, эҳсоналари чиқиб кетаёзди. Бир ёқда хонадон соҳиб қўл-оёқлари боғланган ҳолда қонга беланиб ётарди.

— Кимнинг яшашдан умиди бўлса, овозини чиқармасин. Ғиринг дейдиганларни шу заҳоти тинчтамиз. Жўрабек бу сўзларни шундай қаҳрли, шундай со-

вуқ оҳангда айтдики, уйдагиларнинг дами ичига тушиб кетди, гўёки кўринмас бир куч, уларнинг тил-жағини чандиб ташлагандек эди.

Босқинчилар шоша-пиша уй бекаси ҳамда болаларнинг, қўл-оёқларини ҳам боғладилар. Шундан сўнг Неъмат акани деворга суяб, тергашга тушдилар.



— Бош сармоёнгни чиқар! Виламиз, сен каламушга ўхшаб анча-мунча молдунё йиққансан. Бизга кўп эмас, 40 минг сўм топиб берсанг бўлди.

Неъмат ака нимадир дегандек бўлиб гудранди, аммо оғзига тиқилган латта халақит бергани учун унинг сўзларини англаб бўлмади.

— Ҳа, жон ширин эканми?! — Жўрабек совуқ тиржайиб «маҳкум»нинг оғзидан латтани олиб ташлади. — Қани энди гапиринг, пуллар қаерда? Узимиз ҳам топиб оламиз, аммо унда сизга жабр бўлади, мулла ака. Яхшиси ўзингиз топиб беринг.

— Барака топқурлар, — бу ёғини давом эттиролмаган Неъмат ака йнглаб юборди. Кейин ўзини ўнглаб олди-да, ҳиқиллай-ҳиқиллай гапида давом этди. — Барака топқурлар, мусулмонга ўхшайсизлар, мени тушунинглар. Бунча пулни қаердан топа-

ман? Жўжабирдек жон бўлсак. Мени хонавайрон қилманглар.

— Бас қил, ит, — Жўрабек қўлидаги қирқманнинг қўндоқ томони билан Неъмат аканинг юзи аралаш бўйнига зарб билан урди. — Биз сенинга бекорга келмаганмиз. Қанча ишлашингни биламиз. Яхшиликча пулни чўз.

Қўндоқнинг кучидан уй соҳибининг бурнидан қон отилиб чиқа бошлаганини кўрган умр йўлдоши бўғиқ чинқириб юборганди, босқинчилардан бири югуриб келиб, унинг қорнига қараб тепди. Бечора аёл оғриқнинг зўридан хушини йўқотди.

Шундан сўнг ҳалигилар уйни титкилаб, қимматбаҳо нарсаларнинг барини сумкага сола бошладилар. Қўзга кўринарли ҳеч нарсани қолдирмадилар. Ҳаттоки, беҳуш ётган аёлнинг қўлидаги узугу қулоғидаги сирғачча ечиб олдилар. Бошқа қўлга илашадиган буюм қолмаганига ишончлари ҳосил бўлгач, ўзини билмай ётган аёлни, қонга беланган эркакни, даҳшатдан қотиб қолган болаларни ҳоли қолдириб, жуфтани ростладилар.

...Жўрабек «улфат»ларини бошлаб, тўғри Муборак сари йўлга тушди. Унинг унча ҳафсаласи йўқ эди. Чунки мўлжалидаги катта пул уммаганди. Йўл-йўлакай навбатдаги режасини пишитиб олди.

— Бугунча дам оламиз. Эртага яна бир «иш» бор. Уша амалга ошса, кейин 5-6 кун ўйнашимиз мумкин.

Шериклари итоткорлик билан розилик билдиришди.

...Эртаси кун улар Муборак туманидаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» давлат хўжалигига келишди. Қулай пайт пойлаб анчагача қишлоқ биқинидаги тепалик устида ётишди. Соат тунги учлардан ўтгач, қишлоққа сассиз кириб бордилар.

Карим ака устидаги кўрпа олиб ташлангач, чўчиб уйғонди. Атрофида турган

кимсалар ғалати кўринарди. Ҳаммаси юзига ниқоб кийган, пичоқ ва қирқма миллиқлар билан қуролланган. Сақраб ўрнидан турмоқчи эди, тепкининг зарбидан ўрнига кулади...

Тонг саҳарда бу хонадонга Муборак тумани ИИБнинг бошлиғи милиция подполковниги Кенжа Арабов бошлиқ ички ишлар ходимлари етиб келишди. Воқеа синчиклаб кузатилди, атроф кўздан кечирилди. Карим ака эса фақат уларнинг ниқоб кийганлигини, қуроли борлигини такрорларди-ю, бошқа нарса айттолмасди.

Аҳвол оғир эканини ҳамма сезиб турарди. Лекин қандай қилиб бўлса-да, товланачилар қўлга олинмиши шарт. Бўлмаса қотиллик қилишлари ҳам мумкин.

Шунинг учун қайта опергурух ташкил қилиниб, унга туман ИИБнинг жиноят қидирув бўлини маси бошлиғи милиция капитани Равшан Норқулов раҳбар этиб тайинланди. Гурух ишга тушди. Улардан жуда катта моҳирлик ва тезкорлик талаб қилинарди. Чунки жиноятчилардан даярли ҳеч қандай из қолмаган, бу қидирувни боши берк кўчага солиб қўйганди. Ички ишлар бўлими бошлиғи Кенжа Арабовнинг ўзи ҳар бир ишни кузатиб борар, изқуварларга турли маслаҳат ва далда бериб турарди.

Бир неча соатлик тинимсиз меҳнат бекор кетмади. Жиноятчилар бошлиғи, қўшни Усмон Юсупов туманида истиқомат қилувчи Жўрабек Г. тўғрага туширилгач, унинг шериклари ҳам биринкетин ИИБга келтирилди. Суриштирув давомида жиноятчилар гуруҳининг ўндан ошиқ аъзоси аниқланиб, қамоққа олинди ва улар иштирокида амалга оширилган йигирмадан ошиқ жиноий иш рўйхатга тиркалди. Жуда кўп қабих ишларни содир этган яна битта «қонхўр бўри»лар тўдаси Муборак тумани ички ишлар бўлими хо-

димларининг тиришқоқлиги ва аниқ режа асосида иш олиб боргани учун яқсон қилинди.

Хўш, жўрабеклар қаердан пайдо бўлапти? Шу ўринда халқимизнинг ҳикматли бир ибораси ёдимга тушди: «Дарахтнинг бўшини қўрт кемиради». Дарахтимиз — қонуларимиз ҳаддан ташқари бўш, жўн, бошқача айтганда жуда ҳам «инсонпарвар» бўгани сабабли ҳам қўртлар — жўрабеклар болалаб кетмаптими?! Қасддан одам ўлдирганлар ҳам 3-4 йилдан кейин ҳеч нарса кўрмагандек турмадан чиқиб келяптилар. Ҳамон маишатнинг тури шуларники бўлиб қоляпти-ку! Қанчалик разм солиб қарамагин, уларнинг башарасидан зиғирчалик тортиниш, қилган ишидан заррача пушаймон сезмайсан. Қайтага сенга виқор билан кўз қирини ташлаб, устингдан виждонли бўлганинг учун кулади. Шунда тилингдан бир калима отилиб чиқади: «Б, алҳазар!»

Яқинда рўзномалардан бирида кичкинагина хабарни ўқиб қолдим. Гуржиларнинг диний раҳбарлари оламшумул иш қилишибди. Улар чиқарган янги қарорда шундай сатрлар бор: «Кимдаким қасддан инсонни ўлдирса, унинг номи махсус китобга ёзилиб, етти пуштига-ча лаънатлансин. Ҳеч қачон улар черковга киритилмасин. Одамлар бундай аблаҳларни даврасига қўшмасин». Ҳар қандай инсон зоти албатта гуноҳига тавба қилиб (йўлга бўлса ҳам), масжид ва черковга бориб, яратганга сизинади. Одамлар даврасига эса ҳар бир дақиқа қўшилгиси келади. Бундай ҳолатдан бенасиб бўлиб қолишни ҳеч бир банда ўзига раво кўрмайди, албатта.

Баъзан ўйлашиб қоламан, нима учун ота-боболаримиз ўғилларига, тажрибасига амал қилмай қўйдик. Биз ҳам катта жиноят қилганларни эл ичида шарманда қилиб, эл ичида суд қилсак, бир дунё нафи тегади-ку!

Бундан ташқари, биримиз жўрабекларнинг нима билан шуғулланишини кўриб-кўрмасликка олаямиз. Бошқа биримиз эса: «Ҳозирги замоннинг ишбилармонлари» — дея елкасига қоқаямиз. Семирган эшак ўз эгасини тепишини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаямиз. Тепки егандан кейингина милицияга югураемиз. Келинг, милицияга: «Уйим куйди», — дея йнглаб бормаёлик. Атрофимизга бугун сергак боғайлик, ноҳўя ҳатти-ҳаракат қилаётганларни кўпчилик бўлиб ёмон йўлдан асрайлик.

Абдул НАСАФИЙ,
Расмин Элшод РАҲМАТОВ
чизган.

СССР ОЛИЙ СУДИДА

«Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида» СССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан СССР Олий судига оммавий ахборот воситалари ва судлардан аризалар тушди, уларда мазкур Қонуннинг фуқаролар ва ташкилотлар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар Гражданлик қонуни асосларининг 7-моддасига муносабати тўғрисидаги масала қўйилган.

СССР Олий судининг пленуми 1991 йил 17 май қароридан агар даввогар рад этаётган маълумотларни оммавий ахборот воситалари расмий хабарлардан, йнгилишларда сўзланган нутқ-

лардан ёки эфирга берилган муаллиф нутқларидан ёки ахборот агентликлари билан олган бўлса («Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги СССР Қонунининг 38-моддаси), у ҳолда судлар жавобгар сифатида оммавий ахборот воситаларининг таҳририяти билан биргалликда ана шундай ахборот манбаи ҳисобланган идора ёки шахсни жавобгар сифатида ишда қатнашишга жалб этиши лозимлигини тушунтириб берган эди. Бундай ҳолларда тарқатилган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келишини исботлаб бериш вазифаси мазкур идора ёки шахс зиммасига юклатилади.

Гражданлик қонуни асос-

лари 7-моддасига мувофиқ оммалаштирилган маълумотларни даввогарнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот деб ҳисоблаган суд қарори тўғрисидаги матбуотда босилган ёки радио, телевидение ва шу кабилар орқали эшиттириладиган хабарни ўша оммавий ахборот воситаларининг ўзи эълон қилади.

Фуқаро ёки ташкилот ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳамда шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотларни тарқатган бир неча оммавий ахборот воситаси ва бошқа органлар ва шахсларга бир вақтнинг ўзида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

КИМОШДИ САВДОСИ

Бухоро вилояти ижроия кўмитаси автомобиллар кимосди савдосини ташкил қилиб, ярим миллион сўмдан кўпроқ фойда олди. Кимосди савдоси шаҳар стадиониде ўтказилди. Савдода қатнашиш учун минг кишидан кўпроқ одам тўпланди. Бу ерда «Москвич-412» автомашиналари, «Жигули»нинг уч тури сотилди.

Тўпланганлар «Москвич»га қизиқишмади. Лекин «ВАЗ-

2106»ларнинг бештаси давлат нархидан анча юқори нархда: 57—58 минг сўмдан сотилди. Иккита «08»ни харидорлар 61 ва 63 минг сўмга олишди. «09»лар учун кураш, айниқса, қизғин тус олди. Улар 77 ва 80 минг сўмдан сотилди.

Бухоро вилояти ижроия кўмитасида хабар қилишлари-ча, тушган маблағнинг аксарият қисми хайрия мақсадларига сарфланган. [ЎзТАГ мухбири].

ЎзССЖ ИИБ ҳайъати, бутун шахсий таркиби истеъфодаги ички хизмат полковниги Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Нина Павловна ТОРБИНА
тўсатдан вафот этганлиги муносабати билан чуқур қайғуга тушди ҳамда марҳуманинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига самимий ҳамдардлик билдиради.